ЎЗБЕК ТИЛИ 5-синф 4-вариант

1. Сифат ясовчи қўшимчаларни ажратинг.
А) –ни, -нинг, -га, -да. Б) –ли, -сиз, -чан, сер-.
В) –дош, -кор, -паз, -бон. Г) –моқ, -а, -й, -ув. Д) –ла, -ётган, -лаш.

2. Отлашган сифат қатнашган гапни аниқланг.
А) Ака-укани енгил машина тўқайзор орқали қишлоқчага элтиб қўйди.
Б) Қуёшдай нурафшон юртимизнинг энг антиқа водийсига боряпмиз.
В) Ғуррак саъвадан каттароқ, каптардан кичикроқ қушдир
Г) Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар.
Д) Доно билиб сўзлайди, ҳам узоқни кўзлайди.

3. Предметнинг иш-ҳаракатини билдириб нима қилди? саволига жавоб бўлган сўзлар туркуми –
А) От Б) Сифат В) Сон Г) Олмош Д) Феъл

4. Орттирма даражадаги сифат қатнашган гапни аниқланг.
А) Оталар ўз ўғилларини дунёдаги ўғилларнинг энг зўри, ғоят хушбичими деб билишади.
Б) Бегона тупроқ – девона тупроқ. В) Айбсиз дўст излаган – дўстсиз қолар.
Г) Устозларга ҳурматим чексиз эканини биласиз. Д) Инсонни фақат меҳнат улуғлайди.

5. *<u>Ёмонни</u> танқид қил, <u>яхшига</u> тақлид қил.* Берилган гапдаги ажратилган сўзлар –
А) От Б) Сифат В) Сифатдош Г) Олмош Д) Равиш.

6. -ли,-дор, -сер қандай қўшимчалар?
А) Сифат асосда ифодаланган белгига эгаликни билдиради.
Б) Белгининг ортиқлигини кўрсатади. В) Даражани англатади.
Г) Сифатнинг қиёсий даражасини ясайди. Д) Белгига эга эмасликни билдиради.

7. *Сўзлаяпти, ёзмоқда, бораётир, келаётибди* феълларининг шахс-сон ва замонини аниқланг.
А) I шахс, бирлик, ҳозирги замон. Б) II шахс, бирлик , ҳозирги замон.
В) III шахс, бирлик, ўтган замон. Г) II шахс, кўплик, ўтган замон.
Д) III шахс, кўплик, ҳозирги замон.

8. Феълларнинг шахс-сон қўшимчалар билан бирикиши -
А) Тусланиш Б) Турланиш В) Ўзгариш Г) Даражаланиш Д) Ясалиш.

9. Бўлишли феълни бўлишсиз феълга айлантирувчи қўшимча –
А) – ма Б) – ла В) – ди Г) –дик Д) –миз.

10. Ноаниқ шаклдаги феълни аниқланг.
А) Ўқияпти Б) Билмоқ В) Ёд олди Г) Кирмоқчи Д) Қилаётир.

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори - 10

баллари	баҳо
0-3	**«2»**
4-5	**«3»**
6-7	**«4»**
8-10	**«5»**